

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана




Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2007 йил 7-13 август № 31 (547) Сешанба кунлари чиқади

Признание

ТРУД, ДОСТОЙНЫЙ НАГРАДЫ



В жизни бывают такие люди, которые кропотливым трудом, ответственностью своей профессии и просто человеколюбием заслуживают большого уважения. Они на протяжении своей трудовой деятельности осваивают высокие вершины и при этом обязательно помогают окружающим. Таким человеком и является Николай Иванович Кучерский — главный директор Навоийского горно-металлургического комбината (НГМК).

Будучи одним из самых больших промышленных предприятий в нашей республике, Навоийский горно-металлургический комбинат внес большой вклад в ее развитие. Ведь НГМК — это не только крупный промышленный центр, это и место работы тысяч людей, для которых созданы все необходимые условия для плодотворного труда, оздоровления и, конечно, для отдыха.

К тому же, НГМК ведет и большую благотворительную деятельность, путем оказания помощи домам милосердия и малообеспеченным семьям.

Редакция газеты «Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана»

Ведь недаром говорится, что чужих детей не бывает.

Несомненно, столь большой труд не остается без внимания. Указом Президента Республики Узбекистан Н. И. Кучерский в июле месяце этого года был награжден орденом «Фиджкорона хизматлари учун».

В свою очередь, редакция газеты «Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» выражает свои искренние поздравления Н. И. Кучерскому и желает дальнейших успехов всему коллективу Навоийского горно-металлургического комбината.

ОБУНА — 2007

Азиз шифокорлар,

ҳамширалар, зиёлилар ва барча муштарийлар эътиборига! Тиббиётдаги янгиликлар сари одимлашингизда Сизга мадад бўлишни ўз олдингиз мақсад қилиб қўйган «Узбекистон соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2007 йилги обуна давом этмоқда.

Буни унутманг!

Нашр индексимиз: 128.



УМИДЛАРГА ҚАНОТ МУСТАҚИЛЛИК НАШИДАСИ

Мустақиллик — буюк неъмат эканлиги ва бу тушунча қанчалик мазмунга бойлигини ана шу она-тупроқ бағрида яйраб-ўсиб, ҳар бир қаричини ўзига муқаддас деб билган инсонгина ҳам қалбан, ҳам маънан ҳис эта олади.

Ватан сўзида ўзгача сەҳр бор, дейишади. Қайси бир гўшада-ю, олис юртларда бўлманг, албатта, у ерларда сизни она-юрт соғинчи тинч қўймайди. Бу яна шундай туйғуки, у не-не буюк зотларни бир байроқ остида бирлаштира олган «озодлик» сўзининг кадрү қиммати билан тенгдир. Тарихнинг сарҳадли йўлларида борар эканмиз, кечаги ва бугунги ўтмишимизга авлодлар назари билан разм соламиз. Шу боис, тарих — буюк устоз-муаллим, бағрикенглик тимсоли эканлигини доим ёдда тутамиз.

16 йиллик тарих... Йўллар ва йиллар... Довонли манзиллар...

Барчасида озодликнинг бахтли нафаси ётади. 1991 йилларнинг ўзига хос тарзда инсоният тарихида алоҳида ҳарфлар билан битилганлиги, бу осонликча унут бўладиган саналар эмас. Эркинлик, мустақиллик шабадасининг ҳар бир юрак тафтидан ўрин олиши, унинг руҳи, жисму тани билан барҳаёт бўлиш авлодларга хос мерос экан, бу улғувор туйғуни бугун ҳар бир ватандошимиз қанчалик ҳис эта олишини тасаввур этиш қийин. Табиийки, астойдил қилинган саъй-ҳаракатлар ҳеч қачон завол топмайди. Кўз очиб юмгунча мустақилликнинг 16 йиллик доvonини босиб ўтибмиз. Бу вақт оралиғида кимлардир янги

ҳаётга, орзу-умидларига етган бўлса, яна кимлардир, бундай бахтли ва фаровон кунларни азалий армон билан ўтказди. Лекин ҳаёт давом этганидек, ҳар бир дақиқа ўзига хос тарзда ўтаётганлигини келгуси авлодлар теранроқ нигоҳ билан англамоқдалар. Баъзан бу кунларни сарҳисоб қилинг, мустақиллик туфайли эришган ютуқларингни фахр билан тилга олдинг, улар тўғрисида тўқилганиб гапиринг келади. Даврнинг тубдан ўзгариши ҳар бир мустақил давлат остонасига янгилик ва истиқболлик нафасини олиб кирганидек, бугун Узбекистон ҳам ҳар соҳанинг гуллаган ва тараққий этган масканларидан бирига айланиб бормоқда. Узоққа бормасдан, тиббиётимиз равнақиға эътибор қилсак, мустақиллик кўп имкониятларни айнан тиббиёт соҳасининг ривожига учун яратиб берганлигини фахрланиб айтиш мумкин. Мисли кўрилмаган янгиликларнинг инсон саломатлиги йўлида татбиқ этилиши ва кенг жамоатчиликнинг эркин ҳолда тиббий хизмат турларидан унумли фойдаланаётганлиги ислохотларнинг амалдаги қиёфасида ўз ифодасини топмоқда.

Тиббиёт ходими сифатида шунги айтимоқчиманки, мустақиллик ҳар кимнинг ҳаётида янги-ча илҳомий куч, изланишлар асрига тетапоё бўла олади, десам янглишмаган бўламан.

Ўқтамхон АБДУЛЛАЕВА,
Наманган вилояти
«Нуронийлар» саҳоват
уйи катта ҳамшираси.

Юрт мадҳи

ВАШАН, СЕН...

Ватан, сен отамсан, сен мунис онам,
Киндик қоним тўкилган кутлуг остонам.
Иссиқ кучоғингда мени улғайтдинг,
Едириб, қийдириб, силаб пешонам.
Ватан, ардоқловчим ўзинг ягонам!

Мен учун азиздир, зарра тупроғинг,
Ҳар қарич замин-у сахро-ю тоғинг.
Беҳишта менгазайман ҳар битта боғинг,
Гулларга ошёндин ҳар дам кучоғинг.
Ватан, келди, аини яшамоқ чоғинг!

Ўн олти йил жаранглар, «Эрк» деган хитоб,
Бир ёқимли сўзи, бамисли офтоб.
Агар ютуқларинг этсак сарҳисоб,
Шухрат-у қудратинг бари беҳисоб.
Ватан, дунё узра ўсиб камол топ!

Қалбга ором бермас бир туйғу мудом,
Гоҳ ярим кечалар, гоҳ сахар, гоҳ шом.
Шавкат-у шонингдан дил ғурурланиб,
Номинг улғулашга ундайди илҳом.
Ватан, сенга бор меҳрим айлай эҳтиром!
Гулбаҳор ФИЕЦОВА,
ҳамшира, Қашқадарё вилояти.

УШБУ СОНДА:

ОҚИЛОНА

2

Фойдаланса бўлади

ЭЪТИБОРНИ
СУСАЙТИРМАСЛИК
ТАЛАБИ
БИЛАН

3

ПИТЬЕВОЙ РЕЖИМ В
УСЛОВИЯХ

ЖАРНОГО
КЛИМАТА

7





Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий буюмлар сиёсати Маркази

Тавсия этилган антибиотикларнинг тахлили фоиз муносабатда тиббиёт муассасаларида 1,5 фоиздан, республика даволаш-профилактика муассасаларида (РШТЕИМ) ва шаҳар муассасалари (Тошкент шаҳар 17-клиник шифохонаси), вилоят муассасаларида 20 фоизгача, туман марказий шифохоналарида 5 фоиздан 27 фоизгача, (вилоят болалар шифохонасида 5 фоиздан 34 фоизгача).

Шу ўринда ҳисобга олиш кераки, антибактериал терапия куйидагилардан фойдаланганда, қиймат жиҳатидан камроқ бўлади:

- монотерапия;
- генерик препаратлар;
- перорал дори воситалари шакли;
- погонали терапия;
- узок муддатли таъсирга эга препаратлар ва тавсия қилиниши камроқ бўлган воситалар;
- каттарок дозадаги дори воситалари шакли даволаниш курси ҳисобидан;
- дори воситалари мониторингини талаб қилмайдиган препаратлар;
- оптимал даволаш давомийлиги;
- бозорда кўп вақт давомиди ишлатиладиган дори воситалари.

Республика, туман марказий шифохоналари, вилоят ҳамда шаҳар миқёсидаги тиббиёт муассасаларида аниқса, болалар амалиётида ҳам антибиотикларнинг нотўғри тавсия қилинганлиги аниқланди.

Анджон вилояти болалар шифохонасида 7 ойлик обструктив синдромли бронхоневмония ташҳиси қўйилган болага цефазолин ва гентамицин, тавелит тавсия қилинган. Лекин аслини олганда, изоҳ берадиган бўлсак, гентамицин жуда токсик препарат бўлиб, 7 ойлик болага оғир таъсир қилиши мумкин. Тавелит препарати эса, 12 ёшдан катта болаларга тавсия қилинади. Тазкидлаш жойи, пневмония ташҳиси қўйилган 7 ойлик болага ампициллин+гентамицин+цефазолин, шунингдек, кутблантриувчи эритмаларидан (поларизувчи смесь, глюкоза+калий хлорид+инсулин+аскорбин кислотаси+кокарбоксилаза) тиббиётда фойдаланиш тавсия этилмайди.

Сирдарё вилояти Боввут туман марказий шифохонасида болаларга комбинация ҳолатида куйидаги дорилар тавсия қилинмоқда: бу одатда барча республика тиббиёт муассасаларида куйидаги дори воситаларининг комбинациясида ёзиб берилади:

пневмония ва бронхит ташҳиси қўйилган 2 ёшли болага цефазолин+гентамицин+анальгин+бронхолитин+эрицеф+кутблантриувчи эритма тавсия қилинмайди (одатда 10 ёшдан ошган болаларга тавсия қилинади). Лекин ушбу дори воситалари ўткир ларинготрахеобронхитда тавсия қилинмаган. Демак, шунча микдорда бирданда антибиотикларнинг қабул қилиниши резистентлик ҳолатини келтириб чиқаради ва организмда дисбак-

териоз ҳолатини юзага келтиради.

Самарқанд вилояти болалар шифохонасида пневмония деб ташҳис қўйилган болаларга реополлиглюкин, рибоксин, В₆ цефазолин, ампициллин, инфузол дорилари комбинацияси тавсия этилади. Реополлиглюкин, рибоксин, витамин В₆ цефазолин, ампициллин, инфузол тавсия қилинмайди. Унинг ўрнига ўткир даврда физиологик эритмани қўллаш мумкин (глюкоза+инсулин+аскорбин эритмаси). Изоҳ: реополлиглюкин тавсия қилинмайди. Чунки қон реологиясига таъсир этади. Рибоксин касаллигининг ўткир даврида эмас, балки реабилитация пайтида тавсия қилинади. Цефазолин эса, кучли антибиотик бўлиб, ундан самараси камроқ дори воситалари берилади. Шунингдек, цефазолин ва ампициллин антибиотикларининг ўрнига монотерапия қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Инфузол дори воситалари парентерал узукда сифатида ишлатилади. Бу ҳолатда оддий физиологик эритма тавсия қилинади. Глюкоза+инсулин+аскорбин эритмаси эса сенсibiliзацияни кучайтиради.

Астма компонентли сурункали обструктив бронхит ташҳиси қўйилган бошқа бемор болага эуфилилин+коргликон (бу бирикма тавсия қилинмайди)+сульфаксамфоксин асқинча нафас йўллари сиқилишни янада кучайтиради.

Дори воситаларидан оқилона фойдаланишда доимий фаолият олиб боруви ҳайбатнинг ўрни мумкин. Унинг функциялари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 12 октябрдаги 506-сонли буйруғи билан белгиланган. Тиббиёт муассасаларидаги фаолиятлари тахлил қилар эканми, кейинги тахлиллarda ҳайбатнинг янада фаолият билан иш юритаётганлигига гувоҳ бўламиз. Ҳайбат таркибиди иш режаларининг мажмуи, дори воситаларини харид қилиш, саралаш, тарқатиш, қабул қилиш ва назорат ишларининг тўғри йўлга қўйилганини қўриш мумкин.

Афсуски, айрим доимий фаолият олиб боруви ҳайбатлардаги ишларни талаб даражасида деб айта олмаимиз. Тахлиллар натижасида беморга қўйилган ташҳис, полипрагмазия ҳолатлари, бир вақтнинг ўзида бир хилда таъсир қилувчи моддаларни сақловчи, лекин, ҳар хил савдо номи билан чиқарилган дори воситаларининг тайинланиши ва рақобат варақаларининг мавжуд эмаслиги ҳолатлари кўзга яққол ташланади. Масалан, 2 та касаллик тарихи варақаси қўрилганда, ўткир инфаркт миокарди ва пневмония касалликларида куйидагилар аниқланди:

а) юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларни даволаш стандартлари республика ва Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларининг барча клиникаларида қоникари равишда олиб бориш мумкин. Республика клиникаларида беморлар 70-80 фоиз стандартлаштирилган муолажани қабул қилади. Тошкент шаҳар шифохоналарида бўлиб, қўриб чиқилган касаллик варақаларида ўткир миокард инфаркти билан оғриган 1 фоиз беморларга бета-адреноблокатор тавсия қилинган.

Ваҳолянки, тиббий адабиётларда 50 фоиз беморларга бета-адреноблокаторни тавсия қилиш мумкин эди. Хулоса қилиб айтдиغان бўлсак, кўплаб тиббиёт муассасаларидаги шифокорларнинг бета-адреноблокаторлардан тўғри фойдалана олмасликлари кузатиш мумкин. Агар туман марказий шифохоналарида тахлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, у ердаги фаолиятларни ижобий деб бўлмайди. Жумладан, Наманган вилоятининг Чортоқ, Мингбулоқ, Янгикўрғон туман марказий шифохоналарида ЮИҚни даволашда бета-адреноблокаторлари ва АПФ ингибиторларидан тўғри фойдаланилмаган.

Пневмония касаллигини даволаш стандартлари бўйича Тошкент шаҳри ва вилоят клиникаларида тахлиллар олиб борилади. Асосан, антибактериал терапияга риоя қилиниб, кўпгина беморлар цефазолин қатори антибиотиклар билан даволанмоқдалар.

Туман марказий шифохоналарида даволаш стандартларига доимий равишда амал қилинмайди. Ушбу ҳолатни Наманган вилоятининг Мингбулоқ туман марказий шифохонаси мисолида қўриш мумкин.

Республиканинг вилоят ва туманлариди даволаш-профилак-

Касалликни даволаш учун тайинланган нархнинг солиштирма жадвали

Касаллик номи	Даволаш стандарти бўйича (сўмда)	Кўпроқ фойдаланиладиган тайинланма нархлар (сўмда)
Стенокардия (ўткир миокард инфаркти)	39562	46030
Пневмония (зотилияж)	37618	49640

б) Тадқиқотлар натижасида амалиётда қўлланган полипрагмакотерапия ҳодисаларини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Республика клиникаларида юрак ишемик касаллигини даволашда полипрагмакотерапия 20-30 фоизда қўлланилган. Масалан, РШТЕИМда ўткир инфаркт миокарди билан касалланган беморлар замонавий терапия стандартларига асосан аспирин, антикоагулянтлар (гепарин, фраксипарин, лексан), бета-блокаторлар (эгилок), нитратлар (изокет, кардикет, оликард, нитросорбид), АПФ ингибиторлари (эналаприл) билан даволандилар.

Шу билан бир қаторда барча беморлар глюкоза+инсулин+калий хлорид аралашмасини қабул қиладилар. Лекин ишемик касаллигини даволашда тавсия қилинган дориларнинг қўйилган ташҳисга мос эмаслиги ҳолатлари учрайди.

Пирацетам, амитриптилин (бу тинчлантриувчи дори воситаларидир), алландин (беморлар ташҳисда аритмия ҳақида маълумотлар қайд этилганда), омегапрозол (беморга ташҳис қўйиш пайтида унда гастроэнтерологик симптомлар бўлмаган. Балким, кўп тайинланган дори воситаларини қабул қилиш натижасида шундай ҳолат юз берган. Демак, беморга омегапрозол тавсия қилинди). Касаллик тарихида тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохоналарида витаминлар, НПВН ва инъекцияли анальгин-димедрол ўткир инфаркт миокардида керак сиз деб ҳисобланади.

Юрак ишемик касаллигини даволашда кавинтон препаратини қўллаш ҳолати кузатилади (бу

тика муассасаларида кўп учрайдиган дори воситаларини тайинлашни куйидаги мисолларда келтирамиз:

пенициллин – 1 миллиондан 4 марта;
стрептомицин – 1,02 марта;
зуфиллин 2,4 % – 10 мл+NaCl 0,9 % – 10 мл+строфантин 0,025 % – 1,0 вена ичига;
сульфаксамфоксин – 2,0;
мукалтин 1 таблеткадан 3 марта;
бромгексин 1 чой қошиқдан 3 марта;
АТФ 1 мл;
ККБ (кокарбоксилаза) 100 мг вена ичига;
метрид 100 вена ичига;
новокаин 0,5% – 30 мл;
папаверин+дибазол;
анальгин+димедрол.

Ўтказилган фармако-иктисодий тахлиллар шуни кўрсатдики, пневмония касаллигини даволашда белгиланган даволаш стандартларидан тўғри фойдаланилганда тиббий маблағлар камида 37618 сўмни ташкил этди. Мазкур стандартлардан меъёрий тарзда фойдаланилмаганлик сабабли тиббий маблағлар 49640 сўмни ташкил этади. Молиявий жиҳатдан нораціонал тавсияларнинг қўлланилишига мисоллар келтиришимиз мумкин.

3-жадвал

Касаллик номи	Даволаш стандарти бўйича (сўмда)	Кўпроқ фойдаланиладиган тайинланма нархлар (сўмда)
Стенокардия (ўткир миокард инфаркти)	39562	46030
Пневмония (зотилияж)	37618	49640

мақсадга мувофиқ эмас), ҳатто бу препаратнинг нима учун даволашга киритилгани ҳам аниқ эмас. Масалан Сирдарё вилояти кардиологик диспансерда 15 дан 18 гача турдаги дори воситалари буюрилиши кузатилмоқда. Лекин тасдиқланган стандартлар бўйича асосий препаратлар даволаш-профилактика муассасалари ҳисобидан тавсия қилиниши мумкин эди. Аммо дори воситаларининг жуда ҳам кўп миқдорда буюрилиши кузатилмоқда. Уларнинг 60 фоизини бемор ўз ҳисобидан харид қилишига тўғри келмоқда.

Туман марказий шифохоналарида ўткир ишемик миокард касаллигини даволаш бир хилда бўлиб, даволаш стандартлари ва тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга риоя қилинмаганлиги сабабли, беморга 11 тадан 16 хилгача дори воситалари буюрилмоқда. Куйидаги дори воситаларининг комбинацияларини кўрсатиб ўтаимиз:

глюкоза 5 %+400+аскорбин кислотаси – (бу юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморлар учун эмас);
анальгин+димедрол – (умуман тушунарсиз);
рибиксин, липоевая кислота витамин В₆, витамин В₁₂, витамин В₁₅, АТФ – метаболликлар комплекси;
милдронат;
реополлиглюкин;
магнезия сульфат, папаверин дори воситалари 60-йиллардаги даволаш даражасидаги тавсия этилган спазмолитиклар.

Ушбу юрак ишемик касаллигида витаминлар, антиоксидантлар, антибиотиклар, рибоксин, АТФ ва кокарбоксилаза препа-

ратларининг тавсия қилинмаганлиги, самарасизлиги ва стенокардия пайтида аҳволни яхшилашда фойдасизлиги исботланган.

в) Тахлиллар натижасида полипрагмазия (бир хил дориларни бир вақтда тайинлаш) ҳолатлари аниқланди. Булар республика, Тошкент шаҳри ва вилоят шифохоналарида, шунингдек, туман марказий шифохоналарида рибоксин+кокарбоксилаза+АТФ+милдронат дори воситаларини юрак ишемик касаллиги бўлган 30 фоиз беморлар қабул қилган. Ана шундай ҳолатлар Наманган вилояти Чортоқ туман марказий шифохонаси ва Фарғона вилояти Риштон туман марказий шифохоналарида кузатилган.

Препаратлар дозироваксининг нотўғри келтирилгани туман марказий шифохоналарида кўп учрайди. Масалан, таблеткада лизиноприл кунига 3 марта, (1 мартаба қўлланилиши керак), 1 таблеткадан бир кунда 3 маҳал преднизолон кунининг биринчи ярида қабул қилиш учун тавсия этилиши керак. Манил-5 – 1 маҳал (2 маҳал тавсия этилиши керак).

Умуман тавсия қилиниши мумкин эмас комбинациялар ҳам аниқланди: изотоник эритмадаги аскорбин кислотасининг трентал ва мумкин бўлмаган комбинацияси аниқланди. (Сирдарё вилояти Сайхунбод туман марказий шифохонасида худди шундай ҳолат юз берган). Тренталга ҳеч бир препарат қўиш мумкин эмас, бу шок ҳолатини келтириб чиқариши мумкин.

Кальций хлор (беморда юрак аритмиси пайдо бўлиб, оғир асоратлар вужудга келиши мумкин) – эуфилин – строфантин – изотоник эритма (мана шундай ҳолатлар Наманган вилояти Чортоқ тумани марказий шифохонасида ҳам кузатилган).

Хулоса қилиб айтдиغان бўлсак, республика тиббиёт муассасаларидаги фаолиятлар текширилганда, касаллик тарихи варақасидаги дори воситаларидан оқилона фойдаланмаслик ҳоллари қайд этилди:

1. Юрак ишемик касаллиги ва пневмонияда даволаш стандартлари қўлланилмапти.

2. Ташҳиснинг формулировкаси тасдиқланган ҳамда қабул қилинган МК-10 халқаро классификациясига тўғри келмайди.

3. Полипрагмазия ҳолатлари, АПФ икки ингибитори антибиотикларнинг бир вақтнинг ўзида тайинланиши кузатилмоқда. Антибиотикларни тавсия қилиш курси 10-15 кунни ташкил этади. Препаратлар дозироваксии қоникари аҳволда эмас (пенициллин 0,5х3 маҳал).

4. Қисқа таъсирили нитратлар (нитросорбид) беморга кунига 1-2 маҳал тавсия қилинади (3-4 маҳал бўлиши керак), узайтирилган препаратлар эса 3-4 маҳал, кардикет кунига 1-2 маҳал тайинланади (лекин 3-4 маҳал тавсия қилиниши керак).

5. Пневмонияларда этиотроп даволашнинг мажмуи эмаслиги (антибиотиклар).

6. Ташҳисга тўғри келмайдиган дори воситаларини буюриш.

(Давоми 3-бетда).

Оқилона Фойдаланса Бўлади

7. Кўп ҳолларда беморлар қўблантйрувчи эритма (полиризузующая смесь) қабул қиладилар.

8. Шифохона ичи пневмония касалликлари ҳолатларида стандартларга қирмайдиган самарасиз антибиотиклар тавсия этилади.

9. Таҳлиллар олиб борилишни қийинлаштирувчи ҳар хил шаклдаги расмий ҳужжатлар нотўғри тўлдирилиши.

10. Деярли барча тиббиёт муассасаларида полифармакотерапия ҳодисалари учраб туради (10-15-17 хил препаратлар). Аммо 3-4 хил препаратларнинг тавсия қилинганлиги ҳам қузатилган. Бунинг учун стационарда даволаш шартми?

Юқорида келтирилган таҳлилларга асосан республика, Тошкент шаҳри, вилоят ва туманлар миқёсидаги даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларидан оқилона фойдаланишда турли хил муаммолар кўзга ташланди. Уларни бартараф этиш учун қуйидаги тавсиялар тақлиф қилинди:

- ажратилган бюджет ва тасдиқланган даволаш стандартларига асосан оқилона фойдаланишни қўллаш;

- беморни даволашда касаллик амалиётига бир йилда ёндошиш (бемор қайси ҳудудда яшаيدиган қатъи назар, вилоят, туман, шаҳар);

- вилоят ва туман бош мутахассисларини ишга жалб қилиб, тавсияларни тақомиллаштиришда иштирок этириш;

- ишлаб чиқилган, ишотланган ва асосланган тавсиялардан, дори воситаларидан фойдаланиш, дори таъминоти ва дориларни харид қилишга кетадиган маблағни тўлдирши бўйича ўқув тавсияномаларини яратиш;

- ишотланган тиббиёт бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва рақсонли даволаш стандартларининг яхшиланишига олиб келиш;

- даволаш стандартларига асосан, янги тавсияларни амалиётга киритиш билан шугулланиш мақсадида доимо ўз фаолиятини олиб борувчи ҳайъатлар фаоллигини ошириш;

- дори воситалари концепциясини тарғиб қилиш, дорилар тўғрисида тўғри маълумотларни етказиб бериш ва қўллаш учун мазкур соҳада фаолият юритаётган тиббиёт ходимларини дипломдан кейинги ўқишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;

- дори воситаларидан оқилона фойдаланиш мақсадида чоп этилаётган турли босма материаллари, шу жумладан бюллетенларда дори воситаларидан қандай фойдаланиш, тайёрлаш ва уларни қўллаш каби маълумотлар ўрин олиши мумкин;

- мазкур ишларни амалга оширишда ҳамширалар меҳнатини ҳам жалб этиш мумкин.

Муҳаббат
ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни
саклаш
вазирлиги Дори
воситалари ва
тиббий буюмлар
сиёсати Маркази
директори.

Ҳар йили республикаимиз тиббиёт муассасаларида кузги ва кишки мавсумолди тайёргарлик ишларининг бошлаб юборилганлиги ва бу борада барча вакиллик органларининг маълум меъёр асосида юритаётган амалдаги ишлари табиийки, йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 майдаги ПК-634 сонли "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2007-2008

йил куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг жорий этилиши билан Соғлиқни саклаш вазирлигининг 2007 йил 10 майдаги 201-сонли буйруғи ишлаб чиқилиб, бу борадаги режавий тадбирлар тузиб олинди. Қисқа қилиб айтганда, май ойидан бошлаб барча тиббиёт муассасалари тизимида мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

ЭЪТИБОРНИ СУСАЙТИРМАСЛИК ТАЛАБИ БИЛАН

– Тузилган режа-тадбирларига биноан 399 дона иситиш қозонлари, 282 та қозонхоналар, 54,84 километрик иссиқлик тармоқлари, 34,02 километрик совуқ сув тармоқлари, 11,5 километрик газ тармоқлари ҳамда 291 дона тиббиёт муассасаси туддан ва жорий таъмирланиши режалаштирилган бўлиб, 20 июль ҳолати бўйича ҳозир 252 та иситиш қозонлари, 193 дона қозонхоналар, 36,25 км. иссиқлик, 26,22 км. совуқ сув, 8,41 км. газ тармоқлари, шунингдек, 193 дона шифохона мукамал ва жорий таъмирланиб, кузги ва кишки мавсумга тайёрлаб қўйилди. 9,42 километрик иссиқлик тармоқлари изоляция қилинди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг тиббиёт муассасаларидан комплекс фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Эргашев.

– Вазирлиқнинг мазкур буйруғига асосан жойларда олиб борилаётган ишларни тақомиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида вазирлик қошида вазир ўринбосарлари ва бошқарма бошқармалари иборат доимий ишчи гуруҳ ташкил қилинганлигини хабаримиз бор. Шу қаторда муассасаларда нафақадаги собиқ тиббиёт муассасалари раҳбарларидан, жамоатчилик ҳамда маҳалла фаолларидан иборат жамоатчилик гуруҳларининг фаолият юритаётганлиги бундан мустасно эмас. Айтингчи, жорий йилдаги мавсумга тайёргарлик ишлари билан олдинги йиллардаги ишлар орасида қандай фарқли жихатлар борлигини кўриш мумкин?

– Албатта, ҳар йили тайёргарлик ишлари бир-биридан қайсидир жихатлари билан фарқ қилади. Масалан, олдинги йилларда режа-тадбирларининг якунланиши 1 сентябрга мўлжалланган бўлса, жорий йилда барча тадбирларнинг тўлиқ тугатилиши 15 августга режалаштирилган. Ҳукуматимиз томонидан тадбирларни амалга ошириш муддатларининг қисқартирилиши барча мутасадди раҳбарларнинг бу борадаги масъулигини ошириб, ишлар қўламининг янада жаддаллашишига туртки бўлади. Лекин бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, буйруқ асосида олиб борилаётган фаолиятлар ҳамма тиббиёт муассасаларида ҳам талаб даражасида эмаслиги кишини ташвишга солади. Масалан, яна бир неча кундан сўнг, тайёргарлик ишлари ўз ихтисосига етади, шунга қарамадан, айрим муассасаларда ҳали мавсумга тайёргарлик ишларининг биринчи бос-

қичи – режавий тадбирлар тузилмаган. Агарда муассасалар томонидан тузилган режа-тадбирларини таҳлил қилаётган бўлсак, деярли барча вилоятларда режага киритилган тадбирлар керакли бўлган талабнинг бор йўғи 5-7 фоизини ташкил қилади, ҳолос.

– Демак, бу ҳолдан кўриш мумкинки, ишлар суратини ҳали юқори баҳолаб бўлмайди. Жорий йилнинг июль ойида вазирлиқнинг селектор мажлисида маълумот тайёрлаш мақсадида бошқарма ходимларининг жойларда олиб борган текширишлари натижасида яна қандай камчиликлар аниқланди?

– Ҳақиқатан ҳам вилоятлар бўйлаб ўтказилган текширишлар давомида баъзи бир камчиликлар аниқланиб, селектор мажлисида бу борадаги ҳисобот тайёрланган эди. Унга қўра, **Хоразм вилояти** Урганч туман марказий шифохонасининг тугуруқ ва жаррохлик бўлимлари таъмирланишига муҳтож. Бинонинг ертўла қисмларидидаги канализация тармоқларидан доимий сув оқиблар ва умуман бу ердаги санитария ҳолатининг талаб даражасида эмаслигини кўриш мумкин. **Бухоро вилояти** Вобkent туман марказий шифохонасининг ертўла қисмида юқоридаги ҳолат билан бирга турли ахлат уюмларининг мавжудлиги ачинари ҳол. Вилоят руҳий касалликлар шифохонаси ва Ромитан ТМШсида ҳам том қисмлари ва аксарият муҳандислик тармоқлари яроқсиз аҳволда. **Навоий вилояти**га келадиган бўлсак, бу ерда ҳам ахвол юқоридагилар каби бир хил. Қармана ТМШсининг тугуруқ бўлимидаги ертўла қисми қонқирсиз ва муҳандислик тармоқлари таъмиринга муҳтожлиги кўзга ташланади. Ундан ташқари, 22 апрель куни хавонинг кескин ўзгариши натижасида дўл ёғиб, Хатирчи туман ТМШсининг барча биноларига жиддий шикаст етиб, жумладан, 4000 дан ортиқ шифер ва 2300 кв.м дераза ойналар яроқсиз қўрилишига келиб қолган. Иссиқлик ҳолатининг кескин бузилиши билан боғлиқ ҳолат

Қашқадарё вилоятининг Китоб ТМШсида кўриб чиқилди. Унга асосан болалар шифохонасидаги марказий қозонхоналар "Иссиқлик манбаи" ташкилотига балансидан шифохона балансига ўтказиб берилган. Аммо қозонхонани эксплуатация қилувчи мутахассисларнинг иш ҳақи фонди, ёқилғи захираси учун керакли бўлган маблағ мавжуд бўлиб, лекин бугунга қадар бу масалалар тўлиқ ҳал қилинмаган. Агарда ушбу камчиликлар тез кунда ҳал этилмаса, оқибатда бу ҳолат катта муаммоларни келтириб чиқариши шубҳасиз. Шунингдек, Шахрисабз тумани тугуруқ бўлимининг иситиш қозонхоналари очик ҳавода жойлашган.

Бу ҳолатда ўзингиз яхши биласиз, қисқа муддатда иситиш қозонлари

ишдан чиқиши мумкин. **Фарғона вилояти** Ўзбекистон ва Бешарик туманларининг бирламчи бўғиндаги ташкилотлари (КВП)да мавсумга тайёргарлик режа-тадбирлари тузилмаган. Фарғона шаҳридаги 3-сон шифохонанинг тармоқларидан доимий сув оқиб, натижада бинонинг ертўла қисмида оқава сувлар ҳосил бўлган. 4-сон шифохонанинг ташқи иссиқлик тармоқлари ҳалигача изоляция қилинмаган. **Андижон вилояти**да эса ахвол анчагина ачинари. Сабаби, Боз тумани шифохонаси маъмурияти томонидан ҳали тадбирлар доирасида бирор иш қилинмаган. Иссиқлик тармоқлари яроқсиз, юқумли касалликлар ва тугуруқ бўлимларидаги том қисмларининг нураб бораётганлигини раҳбарият ҳатто ўрганиб ҳам чиқмаган. Ундан ташқари, тумандаги стоматология, болалар ва ўсимлар поликлиникалари охириги беш йил мобайнида иссиқлик тармоқларидан бутунлай узиб ташланган. Хаттоки, бу муассасаларда қозонхоналарнинг мавжуд эмаслиги ҳар бир кишини таажжубга солади. **Наманган вилояти** Косонсой туман марказий шифохонасининг аксарият муҳандислик тармоқлари ночор аҳволда бўлиб, ертўла қисми ва марказий поликлиниканинг том қисми таъмирга муҳтож. **Самарқанд вилоятининг** Булунгур, Челак ТМШси ва **Сирдарё вилоятининг** Гулистон, Оқ олтин, Сайхунбод ТМШларида ахвол бир-бирига яқин. Иккала вилоят тиббиёт муассасаларида ҳам иссиқлик тармоқлари изоляция қилинмаган. Баъзи бўлимларнинг томлари, ертўла қисмлари қонқирсиз аҳволда сақланаётганлиги, шунингдек, айрим муассасаларнинг стерилизация хоналарида авария ҳолатининг мавжудлиги, канализация масалалари ҳалигача давом этаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

– Шу ўринда бир савол туғилади. **Юқорида кўриб чиқилган камчиликларнинг юзга келишида яна қандай сабаблар бор, деб ўйлайсиз?**

– Ҳа, бу масалалар ҳам камчиликларни ўрганиш давомида эътиборга олинади. **Биринчи навбатда**, ҳудудларда табиий газ босимининг кескин қайиши кетиши ва ушбу шароитда мавжуд иситиш қозонларининг муқобил ёқилғи билан фойдаланишига мослаштирилмаганлиги, мослаштирилган қозонларда эса ёқилғидан фойдаланиш ўз самарасини бермаганлиги сабаб бўлади. Масалан, Жиззах вилоятининг барча туман марказий шифохоналари, Самарқанд, Андижон, Бухоро вилоятларидаги КВПларда қозонхоналар

фақатгина табиий газ билан ишлашга мўлжалланган. Газ босими қайиши кетган ҳолларда мазкур шифо масканларида ҳам муқобил ёқилғи билан ишлайдиган бирорта қозонхона мослаштирилмаган. **Иккинчи навбатда**, ҳудудларда электр энергиясининг 12-16 соатгача фаолиятда эмаслиги мавсум

даврида муассасаларда температура режимига риоя қилишда ўз салбий таъсирини кўрсатади. Электр энергиясининг соатлаб ўчиб туриши табиийки, муассасаларда турли камчиликларни келтириб чиқаради. **Учинчи навбатда** эса захира қилинган ёқилғининг жойларда етишмаслиги иситиш тармоқларининг совуқ ойларидидаги ҳолатига жиддий таъсир ўтказиши. Бу ҳолатни кўмир ёқилғисига бўлган талабнинг қайиши эмас, балки захира қилиш учун керакли бўлган маблағнинг камлиги билан тушунтириш мумкин.

– **Ҳозирги ҳолатдан келиб чиқадиган бўлса, мутахассис сифатида олиб борилаётган мавсумга тайёргарлик ишларига қандай баҳо ва ҳулосалар билидирасиз?**

– Умуман олганда жорий йилда мавсумга тайёргарлик ишларига эътибор анчагина сусайган. Масалан, ўтган йилда ишчи гуруҳларнинг фаолияти натижасида жойларда йўл қўйилган камчиликлар ва ушбу долзарб муаммога совуққонлик билан қараганликларни учун жами бўлиб 113 нафар раҳбарга нисбатан маъмурий-интисомий чоралар қўрилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 15 тани ташкил этди. Вилоят соғлиқни саклаш бошқармалари қошида тузилган ишчи гуруҳлар ўз вазифаларини жуда суст амалга оширмадилар. Аксарият вилоятларда ушбу муаммо билан фақат техника бўлими ходимлари шугулланишди. Бундай эътиборсизлик жойлардаги раҳбарларнинг масъулиятсизлиги янада ошмишига олиб келиши мумкин. Албатта, анча йиллар давомида муҳандислик тармоқларининг мукамал таъмирга муҳтожлиги, қўлгина иситиш қозонлариди захира қисмларининг етишмаслиги, томлар, асосий воситаларнинг таъмирланиш талабига тиббиёт муассасаларини иситиш мавсуми давомида эксплуатация қилишда ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ундан ташқари, муассасаларда фаолият юритувчи муҳандис-техник кадрларнинг савияси ҳам етарли деб бўлмайди. Бугунги кунда муассасаларда ишлатилаётган иситиш қозонларини эксплуатация қилаётган мутахассислар ҳам қайиби кетган. Бу масалалар ҳам айни пайтда жиддий муаммо ҳисобланади. Умид қиламанки, кузги ва кишки мавсумга тайёргарлик ишлари юқоридаги камчиликлар бартараф қилинган ҳолда кўнглидагидек олиб борилади.

Дарҳақиқат, куз ва киш мавсуми давомида ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тежаб ишлатиш, муассасаларда ёнган хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш ҳар бир раҳбар-ҳодим олдида турган асосий вазифа экан, демакки, бу борада мавжуд сазй-ҳаракатларни асло сусайтирмаслигимиз керак.

Суҳбатдош:
Ибодат СОАТОВА.

ИНФОРМАЦИЯ

ГЛАВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ПО КОНТРОЛЮ КАЧЕСТВА ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ И МЕДИЦИНСКОЙ ТЕХНИКИ МЗ РУз О ЗАБРАКОВАННЫХ И ФАЛЬСИФИЦИРОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВАХ ПО ПОСТУПИВШИМ ДАННЫМ СЛУЖБ КОНТРОЛЬНО-РАЗРЕШИТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ЗА II КВАРТАЛ 2007 ГОДА

I. СПИСОК ЗАБРАКОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

№	Наименование препарата	Серия	Фирма производитель	Страна	Кем забракован	Показатель
1	Кальция хлорид-GT 10% р-р д/ин по 10мл №10	070402	«Zhangjiakou Kaiwei Pharmaceutical Co, Ltd»	Китай	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Количественное определение»
2	Кислота ацетилсалициловая таб. 0,5г №10	300107	РУП «Борисовский ЗМП»	Беларусь	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Распадаемость»
3	Мазь серная простая 30гр	010207	ООО «Remedy» СП ООО «Astra Farm Ko»	Узбекистан	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Микробиологическая чистота»
4	Р-р люголя с глицерином 20мл	140507 150507	ООО «Галеника»	Узбекистан	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«рН», «Плотность»
5	Трава эрвы шерстистой (Пол-полы) по 30г	4092006 8092006 9092006 10092006	ПО «Шифобахш» спец. лес.хоз им. «Абу Али Ибн Сино»	Узбекистан		«Частиц, проход. сквозь сито 1мм», «Наличие помета грызунов», «Органические примеси», «Минеральные примеси»

II. СПИСОК ФАЛЬСИФИЦИРОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

№	Наименование	Серия	Фирма производителя указанная на этикетке	Страна	Кем забракован	Показатель
1	Diazepam tablets IP 5mg №10	T4211MPO	«Omega Biotech Ltd»	Индия	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Описание», «Количественное определение»
2	Gee Ome-3 Omeprazole Capsules I.P. 20mg	071406 071405	«God Gift Laboratory (P) LTD	Индия	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Средний вес», «Количественное определение», «Маркировка»
3	Gee Wormizole 100mg tablet №6	072001	«God Gift Laboratory (P) LTD	Индия	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Количественное определение», незарегистрирован
4	Omez* R ^x 20мг Omeprazole Capsules	102151930	Не указан	Не указана	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Количественное определение»
5	Omez*20мг капс №10	52151926 52151925 112151932	Не указан	Не указана	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Описание», «Маркировка», незарегистрирован
6	Ranitidine таб №10	10001	«Cotec Pharma»	Индия	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Описание», незарегистрирован
7	Rivotril® 0,5 mg tab. №50 (Clonazepam)	B1030	«F.Hoffmann-La Roche Ltd»	Швейцария	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Описание», «Подлинность»
8	Vega 100 sildenafil citrate tablets	R-1002	«Combic Global»	Не указана	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Количественное определение»
9	Альбумин 10% р-р д/ин	47 ан.125	ГУП «Иммунопрепарат» г. Уфа	Россия	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Относительная вязкость», «Количественное определение», «Маркировка», «Упаковка»
		Не указана	«Днепродзержинская станция переливания крови» УССР	Украина		
10	Американское черное клеймо 2800 mg №6 силденафил 100 mg	Не указана	«Cotec»	Не указана	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Маркировка»
11	Антигриппин таб. №10	10106 20106 161106	ТОО «Эйкос-Фарм»,	Казахстан	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Описание», «Подлинность», «Отклонения от среднего веса», «Средний вес»
12	Асвитол таб №10	200105	ОАО «ICN Марбиофарм»	Россия	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Подлинность», «Отклонения от среднего веса», незарегистрирован
13	Баралгин-нео (новый) таб №10	71141916 71141917	Не указан	Не указана	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Маркировка», незарегистрирован
14	Берлиприл*10 таб №30	72001	«Berlin-Chem Menar»	Не указана	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Описание», «Размеры», «Количественное определение», «Маркировка»
15	Берлиприл*5 таб №30	72002	«Berlin-Chem Menar»	Не указана	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Размеры», «Количественное определение», «Средний вес», «Отклонения от среднего веса», «Маркировка»
16	Бинты марлевые медицинские нестерильные	Не указана	ЗАО «ФК Волжская мануфактура»	Россия	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Упаковка», «Маркировка», «Геометрический размер», «Капиллярность», «Визуальный осмотр»
17	Бинты марлевые медицинские стерильные	28	СП «Сарбонтекс»	Узбекистан	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Маркировка», «Геометрический размер», «Капиллярность», «Визуальный осмотр»

(Продолжение на 5-й стр.)

Танлов

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди

Мамлакатимиздаги ёш истеъдод эгалари кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамоатчилиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан аънавий ўлкасиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, унинг иштирокчилари ва ғолиблари ютуқларини омалаштириш мақсадида ахборот агентликлари, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи журналистлари ўртасида эълон қилинган танлов давом этади.

Танлов шартлари

Танловга «Келажак овози» танлови жараёнлари, иштирокчилари ва ғолиблари фаолияти, эришган ютуқларини ёритувчи ва 2007 йилнинг 1 мартидан 2008 йилнинг 1 январига қадар бўлган муддат давомида газета ва журналларда, интернет нашрларда берилган материаллар 2008 йилнинг 10 январига қадар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар сони 6 тадан кам бўлмаслиги ва даврий нашрларнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхада топширилиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар – нашр номи, ихтисослашув, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили.

Муаллиф тўғрисида – фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов номинациялари

Танлов икки номинация бўйича ўтказилади:

– «Келажак овози» республика кўрик-танловини ёритиш бўйича матбуотда чоп этилган энг яхши материаллар тўплами;

– «Келажак овози» республика кўрик-танловини ёритиш бўйича интернетда берилган энг яхши материаллар тўплами.

Ғолиблар ҳар икки номинация бўйича қуйидаги тартибда мукофотланади:

- битта 1-ўрин;
- иккита 2-ўрин;
- учта 3-ўрин.

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар «Келажак овози» республика кўрик-танловини ёритишга деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида қуйидаги манзилга жўнатилади:

100129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 144-15-96, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzrak.uz.

Ташқиллий қўмита.

**ИНФОРМАЦИЯ
ГЛАВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ПО КОНТРОЛЮ КАЧЕСТВА ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ И
МЕДИЦИНСКОЙ ТЕХНИКИ МЗ РУз О ЗАБРАКОВАННЫХ И ФАЛЬСИФИЦИРОВАННЫХ
ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВАХ ПО ПОСТУПИВШИМ ДАННЫМ СЛУЖБ КОНТРОЛЬНО-
РАЗРЕШИТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ЗА II КВАРТАЛ 2007 ГОДА**

II. СПИСОК ФАЛЬСИФИЦИРОВАННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ

18	Бисептол 480мг таб №20	1221635 021909 1221627	Не указан	Не указана	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Описание», «Подлинность», «Маркировка»
		111006	«Пабяницкий фармзавод Польфа АО»	Польша		«Описание», «Маркировка»
19	Верона капс. №20	1005-029	«Хербалейдж Прайвет Лимитед»	Пакистан	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Описание», «Подлинность», «Маркировка», «Средний вес»
20	Вольтарен® 75мг/3мл р-р д/ин 3мл №5	ST9400	«Новартис Фарма АГ»	Швейцария	ГЦЭСЛСИМТ г. Ташкент	«Упаковка», «Маркировка»
